



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 12 январь, № 9 (7511)

Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



МИЛЛИЙ БОҒ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗНИНГ КЎЗГУСИГА АЙЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 январь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.



Президентимиз Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғига ташриф буюрди.

Шавкат Мирзиёев Президентлик фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб адабиётга, маънавиятга алоҳида эътибор қаратмоқда. Соҳани ривожлантириш, маънавий ҳаётимизда ўчмас из қолдирган атоқли ёзувчи ва шоирларнинг тарихий хотирасини абадийлаштириш, ёш авлоднинг маданий-маърифий савиясини юксалтириш юзасидан қатор ташаббуслари нафақат адиб ва шоирларни, балки бутун халқимизни руҳлантирди.

Бунди 2019 йил адоғида ўзбек романчилиги асосчиси Абдулла Қодирий хотирасига юксак эҳтиром қўрсатилиб, пойтахтимизда унинг номида ижод мактаби ва музей, адибнинг муаззам ҳайкали очилганида ҳам кўрамиз. 2020 йил ҳам халқимиз, миллий адабиётимиз учун шундай хайрли ишлар билан бошланди. Давлатимиз раҳбари янги йил бошида Миллий боғдаги Адиблар хиёбонида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Алишер Навоий бобомиз номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий боғини

адабиёт ва маънавият боғига айлантириш ташаббуси бундан уч йил илгари Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган эди. 2017 йил февраль ойидаги ташрифи чоғида давлатимиз раҳбари мазкур боғни халқимизнинг маданий-маърифий савиясини юксалтирадиган, ёшларимизда Ватанга муҳаббат, адабиётимизга ҳурмат туйғусини камол топтирадиган чинакам ижод ва маънавият масканига айлантириш юзасидан тавсиялар берган эди.

Орадан кўп ўтмай, ўша йил 18 апрелда Президентимизнинг “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудига Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарор асосида боғ ҳудудига кенг қўллади бунёдкорлик ишлари бошланди. Ўша йили декабрь ойида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг замонавий биноси фойдаланишга топширилди. Давлатимиз раҳбари боғда барпо этилаётган Адиблар хиёбони лойиҳалари билан танишди, ижодкорлар учун барча шароит яратилган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг янги биносини кўздан кечирди, ёзувчи ва шоирлар билан учрашиб, муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Шу асосда Адиблар хиёбонидаги бунёдкорлик ишлари янги босқичга чиқди. Бу хиёбон Алишер Навоий ҳайкали билан уйғун бўлиб, яхлит меъморий ансамбль ҳосил қилиш учун янги лойиҳа ишлаб чиқилди. Унга кўра, 8 гектардан зиёд ҳудуд ободонлаштирилиб, Алишер Навоий ҳайкалини қайта ўрнатиш белгиланган.

Адиблар хиёбонида ўзбек адабиётининг маънавий-маърифий шажараси сифатида етук адибларимиз ҳайкаллари ўрнатиш кўзда тутилган. Бу ерда Президентимиз гоёяси асосида шу пайтга қадар ўрнатилган ҳайкаллар қаторидан Бобур, Оғахий, Муқимий, Фурқат, Бехбудий, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний каби мумтоз адабиётимиз даргалари, шунингдек, Тўлепберген Қаипбергенов, Ибройим Юсупов, Александр Файнберг сингари замонавий адабиётимиз вакилларининг ёдгорлик мажмуалари ўрин олади.

Шавкат Мирзиёев бу ерда олиб борилаётган ишлар, ҳайкаллар кўринишига оид лойиҳалар билан танишди. Ҳайкаллар ёнида лавҳалар ўрнатиб ҳамда аудиоёзувлар орқали ҳар бир адиб ҳақида қисқача маълумот бериш,

уларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар ўтказиш учун қўшимча шароит яратиш зарурлигини таъкидлади.

Алишер Навоий ҳайкали гўмбазини безатиш, ҳудудни ободонлаштириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Адиблар хиёбони ёнида Тошкент музейи ташкил этилади. Музей собиқ Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси биносига фаолият бошлайди. Айтиш пайтда мазкур бинони реконструкция қилиш яқунланмоқда.

Ўзбекистон тарихи давлат музейи филиали бўладиган мазкур музей Шош, Чоч, Бинкат, Бинокат каби номлар билан аталган Тошкент шаҳрининг қадимий даврлардан то XVI асргача бўлган тарихини ўзида қамраб олади. Музейда даврлари ноёб экспонатлар, қимматли манбалар ва кўргазмали экспозициялар асосида акс эттирилади.

Жумладан, биринчи қаватда қадимий Тошкентнинг электрон макети жойлашади. Тошшабин ушбу электрон макет орқали ўтмишда Тошкент қандай бўлгани, шаҳарнинг ривожланиш жараёнлари ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Иккинчи қаватдан турли

даврларга хос экспозициялар ўрин олади.

Умуман, ушбу музей нафақат юртдошларимиз, балки хорижий сайёҳлар учун қизиқарли бўлиб, янги туризм объекти сифатида халқимизнинг миллий ўзига хослигини кенг тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари музей концепциясига оид лойиҳалар билан танишиб, унинг мазмун-моҳиятини бойитиш бўйича ўз фикрларини билдирди.

— Тошкент тарихи, бу ерлик алломалар мероси хали тўлиқ ўрганилмаган. Бу жой илмий асосланган, шаҳарнинг буюк ўтмишини ёшларга, меҳмонларга етказадиган маскан бўлиши керак, — деди Президент.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи негизда замонавий ва юқори технологияли маданият ва истироҳат боғи ҳам барпо этилмоқда.

Президентимиз истироҳат боғи қурилишини ҳам кўздан кечирди.

Мазкур боғ концепциясида миллий меъморлик аънаналари ва замонавий шаҳарсозлик уйғунлигига алоҳида эътибор қаратилган. Лойиҳа Австралиянинг “Sanderson Group” компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Ушбу компания дунёдаги энг замонавий элликдан ортиқ парк лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этган.

Давлатимиз раҳбарига лойиҳани амалга ошириш жараёни ҳақида маълумот берилди.

Боғ ҳудуди 21 гектар бўлиб, бу ерда жаҳон архитектураси дурдоналари намуналари, амфитеатр ва мусикали фаввора, аттракционлар, оилавий ҳордиқ учун бошқа объектлар, йирик савдо-кўнғилочар марказ, қаср-сарой кўринишидаги тантанали маросимлар жойи, болалар кафеси ва бошқа масканлар барпо этилиши мўлжалланган.

Ҳудуд мусаффолигини таъминлаш мақсадида боққа каштан, қарағай, япон софораси, магнолия, дуб, қайин каби ҳавони тозаловчи ва кислород билан бойитувчи дарахтлар, буталар экилади. 70 ва 100 йиллик дарахтлар сақланиб қолинади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 сентябрдаги қарори асосида бунёдкорлик ишлари икки босқичда амалга оширилмоқда.

Биринчи босқичда 9 гектарда қурилиш-ободонлаштириш ишлари бажарилади. Замонавий океанариум, 650 ўринли амфитеатр, 57 метрли қаср, мусикали фаввора, бинолар,

ёпиқ оилавий кўнғилочар марказ, кинотеатр, 600 ўринли автотомобиллар тўхташ жойи қурилади.

Боғдаги энг ноёб иншоотлардан бири океанариумдир. Бу ерда сизими 1 миллион литргача бўлган 22 та аквариум бўлади. Океанариумда йиғирмадан ортиқ турдаги ноёб баликлар, денгиз жониворлари парваришланади.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, ҳудуддаги биноларни қуришда Барселона, Париж, Москва, Лондон, Амстердам, Рим, Венеция, Прага, Вена, Берлин каби дунёга машҳур шаҳарлардаги архитектура намуналаридан фойдаланилди. Ҳудудда ушбу шаҳарларнинг ўзига хос таомлари, ширинликлари тайёрланади ва шунга хос муҳит яратилади.

Иккинчи босқичда 12 гектар ҳудудда аттракционлар, аквапарк ва сайилгоҳлар қурилади. Дунёга машҳур “Диснейленд” паркиннинг аттракционлари нусхаларидан фойдаланилади. Италия, Германия ва АҚШда ишлаб чиқарилган шундай энг замонавий аттракционлар келтириб ўрнатилади. Миллий боғ ҳудудидаги қўл ҳам реконструкция қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари истироҳат боғининг йил давомида ишлашни таъминлаш, одамлар оилавий дам олиши учун кенг имконият яратиш бўйича кўрсатмалар берди. Боғда Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларимиздаги қадимий обидалар макетини ўрнатиб, ёшлар ва сайёҳларнинг тарихимизга қизиқишини ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши мазмунли маданият хориқ чикаришни ташкил этиш ва одамларнинг бўш вақтларини кўнғилли ўтказишни таъминлайди, Тошкент шаҳрининг туристик жозибадорлигини оширади.

Шу ерда Тошкент шаҳри туманлари ҳокимлари билан мулоқот бўлди.

Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган энг муҳим йўналишлар муҳокама қилинди.

Мутасаддиларнинг 8 январь куни Давлат бюджети параметрларини ижро этиш ва ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишидан олган ҳулосалари, уларни таъминлаш бўйича режалари эшитилди.

Туман ҳокимлари инвестициялар жалб этиб, янги лойиҳаларни ишга тушириш, тадбиркорларга муносиб шароит яратиб, маҳаллий бюджетни мустаҳкамлаш ва одамларнинг даромадларини кўпайтириш

йўлида доим изланиши зарурлиги қайд этилди.

Ижтимоий соҳа, қурилиш ва коммунал тармоқларни ривожлантириш, аҳоли ва сайёҳлар учун қўлайликларни ошириш бўйича ҳам истиқболдаги муҳим вазифалар белгиланди.

Шу куни Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхонасига ҳам ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари сиёсатининг асоси бўлган халқ билан мулоқот тизими аҳоли манфаатларини таъминлаб, одамларнинг ҳаёtgа, давлатга ишончини мустаҳкамламоқда.

Яқинда Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳқўчаси 2-уйда янги Халқ қабулхонаси биноси фойдаланишга топширилди. Бу ерда фуқароларни қабул қилиш учун хоналар, Давлат хизматлари маркази шоҳобчаси, аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатувчи “Мадад” нодавлат нотижорат ташкилоти бюроси, психолог, тиббий хизмат кўрсатиш, она ва бола хоналари, буфет, фуқаролар кутиш зали мавжуд. Бу ерда қунига 200 нафаргача муружаатчиларни қабул қилиш мумкин.

Қабулхонада аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, муружаатларни кўриб чиқиш учун замонавий шароитлар яратилган. Фуқароларга қўлай бўлиши учун соҳавий бўлимлар ташкил этилган.

Ўтган даврда Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари орқали 3 миллион 650 мингдан зиёд кишилар муружаат қилгани жамиятимизда адолат тамойилларини мустаҳкам қарор топтиришда Халқ қабулхоналарининг аҳамияти нақадар юқори бўлиётганини кўрсатади. Мазкур муружаатларнинг 2 миллионга яқини ҳал этилган, 1,5 миллион муружаатчага ҳуқуқий тушунтириш берилган. Бундан ташқари, жойлардаги Халқ қабулхоналари томонидан сайёр қабулларда 1 миллион 700 минг фуқаро билан мулоқотлар ташкил этилган. Халқ қабулхоналари ва секторлар масъуллари уйма-уй юриши натижасида 988 минг муаммоли ҳолатга ечим топилган.

Давлатимиз раҳбари Халқ қабулхонасида яратилган шароитларга юқори баҳо берди.

— Бу ерга келган одам барча саволларига жавоб топиши, Тошкент бу борада намуна бўлиши керак, — деди Президентимиз.

Матназор ЭЛМУРОДОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Умар АСРОРОВ,
ЎЗА мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Матбуот хизмати
сурати.

Ўзбекистон илк бор ЕХХТнинг Иқтисодий-экологик қўмитасига раислик қилади

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Доимий кенгашининг Венада бўлиб ўтган махсус йиғилишида ЕХХТнинг амалдаги раиси томонидан Ўзбекистоннинг ЕХХТдаги доимий вакили Шерзод Асадов 2020 йилда ташкилот Доимий кенгашининг Иқтисодий-экологик қўмитаси раиси этиб тайинлангани тўғрисидаги қарор эълон қилинди.

Эътироф

Таъкидлаш жоизки, ЕХХТ Доимий кенгаши қўмиталари раисларини тайинлаш ротация-он тартибда эмас, балки ташкилотнинг амалдаги раиси томонидан қатор муҳим сиёсий омиллар, шу жумладан, мамлакатларнинг мазкур халқро тузилма доирасида ўз мажбуриятларини қандай бажараёт-

гани эътиборга олинган ҳолда амалга оширилади.

Мамлакатимизнинг ЕХХТ Доимий кенгаши Иқтисодий-экологик қўмитасига раисликка тайинланиши Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган кенг қўллади ижтимоий-иқтисодий

ислохотлар самарадорлиги, Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни яхшилаш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни қучайтириш, минтақанинг транспорт соҳасидаги алоқалари ва транзит имкониятларини ривожлантириш йўлидаги фаол саъй-ҳаракатлар халқро кўламда ижобий қабул қилинаётганидан далолатдир.

Иқтисодий-экологик қўми-тага раислик қилиш давлатимиз раҳбарининг ЕХХТ мақсадлари ва тамойиллари руҳидаги минтақавий ҳамда халқро ташаббусларини дадил илгари суришга имкон беради. Шу билан бирга, Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаш,

ташкилот билан ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Маълумот ўрнида айтиб ўта-миз, 2020 йил Албания ЕХХТнинг амалдаги раиси ҳисобланади. Ушбу мамлакат Бош вазири Эди Рама тадбир-да Албания раислигининг ус-тувор йўналишларини тақдим этди.

У Албания раислиги ЕХХТ олдида турган муаммо ва тах-дидларни барча иштирокчи давлатлар билан ташкилот-нинг асосий тамойилларига мос тарзда ҳал қилиш учун очик ва конструктив мулоқот-га интилишини таъкидлади.

«Дунё» АА.
Вена

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

«ВАТАНПАРВАРЛИК — МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ КАФОЛАТИ!»

Миллий армиямиз — бизнинг фахримиз, гуруримиз. Бу жиҳатлар шу кунларда юртимиз бўйлаб ўтказилаётган “Ватанпарварлик — миллий юксалиш кафолати!” деган умумий шиор остидаги маънавий-маърифий тадбирларда ҳар бир юртдошимиз юз-кўзида яққол акс этиб турибди.

“Халқ сўзи” газетаси Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан махсус қўшаҳифа тайёрлади.

Газетамизнинг 2, 3-бетларида шу йўналишдаги мақолаларни ўқишингиз мумкин.



МИЛЛИЙ РУҲ ВА ОНА ЮРТГА БЎЛГАН ЮКСАК

Армия моддий жиҳатдан энг замонавий ва зарур воситалар билан таъминланган бўлиши мумкин, лекин ахлоқий жиҳатдан заифлиги, жанговар руҳи, Ватанга содиқлик ва муҳаббат, унинг тақдири учун масъулият ҳисси йўқлиги ёки лоқайдлик тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони



ҲАМ ШАРОИТ, ҲАМ МАЗМУН ЖИҲАТИДАН ТУБДАН ЎЗГАРГАН АКАДЕМИЯ

Аввал хабар қилинганидек, Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Ватан ҳимоячилари байрами арафасида Қуролли Кучлар Академиясига ташриф буюриб, мазкур маскандаги шарт-шароитлар билан танишди, профессор-ўқитувчилар ва курсантлар билан мулоқот қилди. Бугун Академия ҳам шароит, ҳам мазмун жиҳатида тубдан ўзгарган. Аудиториялар компьютер техникаси, ўқув ва лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Замонавий ситуацион марказ, тренажёрлар ташкил этилган. Ўтган йили бу ерда модернизация ишлари давом эттирилиб, янги объектлар қурилди. Курсантларнинг ўқиши ва жанговар машғулотлар ўташи, спорт билан шуғулланиши учун қўшимча имкониятлар яратилди.

Бехзод ШАМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси
катта ўқитувчиси:

— Президентимиз, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Академияга ташрифи чоғида янгидан барпо этилган ўқув биносини кўздан кечирди. Айнан шу ўқув биносига “БТР-80” ҳарбий техникаси учун мўлжалланган ўқув хонасини таништирдик.

Бу синфхонанинг вазифаси шундан иборатки, “БТР-80” зирхли тех-

никасини ўт олдириш, амалда бошқариш бўйича курсантлар назарий олган билимларини шу ернинг ўзида амалда қўллашлари мумкин. Яъни курсантлар бир вақтнинг ўзида назария ва амалиёт ўйғунлигида таҳсил олишади. Бу ердаги шароитнинг афзаллиги шуки, курсантларнинг ҳавфсиз таълим олишига имкон яратилди.

Ўктам ЎРУНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси
бўлим бошлиғи:

— Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш давомида таълимнинг назарий қисmini қўшимча амалиёт билан боғлашга алоҳида урғу берилляпти. Натижада курсантларнинг қўшинларда амалиёт ўташ даври қайта кўриб чиқилди ва ҳар бир босқичда амалиёт ўташ тизими йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, профессор-ўқитувчиларнинг қўшинларга бориб, жойларда командирлар билан машғулотлар ўташи, Академияда мавжуд бўлган техник имконият-

лардан фойдаланган ҳолда масофадан туриб, яъни видеоселектор йиғилишлари орқали машғулотлар ўташ тизими ҳам йўлга қўйилди.

Олий Бош Қўмондон Академия-мизга амалга оширган ташрифи давомида яна бир бор биз, профессор-ўқитувчилар, курсант ва тингловчиларга бир қатор муҳим вазифаларни белгилаб берди. Албатта, ушбу топшириқлар бизнинг яқин келажақдаги фаолиятимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Собир АБДУАЗИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси
катта ўқитувчиси:

— Давлатимиз раҳбари Академияда янгидан барпо этилган сузиш ҳавзасини ҳам кўздан кечирди. Қарийб 900 квадрат метр жойни эгаллаган мажмуада барча қулайлик яратилган. Тоza ва ши-наи сув ҳавзасида ҳарорат айл-ни қиш кунлариди 27 даража иссиқни ташкил қилляпти.

Маълумки, Мудофаа вазирлигининг жисмоний маданият фанидан 6 та бўлим бўйича курсантларга

машғулот ўтилади. Ҳарбий амалий сузиш машғулоти бир бўлимни ташкил этади. Ушбу бўлимда курсантлар эркин усулда, қурол билан ва сув остида сузиш машғулотларида қатнашади. Сув ҳавза-си ёнида курсантлар учун трена-жёр залининг барпо этилгани ҳам уларнинг жисмоний чиниқишида муҳим ўрин тутиши, шубҳасиз.

«Халқ сўзи».

СЎЗНИНГ, АДАБИЁТНИНГ ҚУДРАТИ

Улкан мақсадларга эришиш кўзда тутилган дамларда майда омилларни унутишга асло йўл қўйилмайди. Хусусан, халқаро вазият кескин тус олаётган айни кунларда Ватан ва халқ осойишталиги гоятда долзарб вазифа сифатида кун тартибига қалқиб чиқаётгани табиий ҳол. Қолаверса, глобаллашув даврида у ёки бу воқеа биздан йироқда, бизга у қадар дахли йўқ деган тушунчалар ўз аҳамиятини йўқотади. Аксинча, ҳар бир давлат, ҳар бир халқ ўз сарҳадларини, ўз осмони ва ўз тупроғини кўз қорачигидек асрашга киришади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қуролли Кучлар Академиясида ўтказилган Ҳавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ватанпарварлик ва миллатпарварлик туйғулларининг аҳамияти, уларнинг кишиларимиз, жумладан, ёшлари-

миз тарбиясида нақадар улкан аҳамиятга эгаллиги хусусида алоҳида тўхталди. Ватанни чинакам ватанпарварлар, миллатни эса асл миллатсеварлар муносиб ҳимоя қила оладилар. Бу борада бундан бир неча юз йиллар илгари яшаб ўтган улуг аж-

долларимиз, қарийб бир аср муқаддам яшаб ўтган ва ўз маслак-мақсадлари йўлида қурбон бўлган жадид маърифатпарварларимиз кўрсатган жасоратлари тарих саҳифаларига битилган. Ўша машъум 37-йил қирғинлари юз бермаганида эди, ҳозирги Ўзбекистон тараққиётнинг мутлақо ўзгача босқичида яшаётган бўлишини давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлади. Жадид оталаримиз халқимизга ва Ватанимизга садоқат кўрсатиш борасида ҳам бетакрор ўрнак, намуна бўлиб қолдилар.

Бугун-чи? Мамлакатимизда кенг миқёсда янги Ўзбекистонни барпо этишга ки-

ришилган бир пайтда давлат раҳбари жон куйдириб айтаётган туйғуларни асраш, мустаҳкамлаш ва янада камолга етказишга доир аҳвол қандай? Халқимиз қалби, руҳияти ва тийнатида азалдан азалдан муқаддас саналган ва сақланиб келаётган ватанпарварликка эш бўлиб кетган миллатпарварлик туйғуси янги замон, янги шароитлар талабига жавоб бера оладими?

Аник, лўнда ва гоятда таъсирли оҳангларда ифода этилган бу сингари мавзулар шахсан ўзимда мамлакатимиз ижод ахлини ўзгача сафарбарликка қорловчи давлатдек таассурот қолдирди.

Зеро, Ватан ва халқ манфаати йўлида курашдан ҳеч ким, айниқса, ўзини ижодга дахлдор деб билган бирор-та ўзбекистонлик четда қолиши мумкин эмас.

Сўзинг, адабиётнинг атомдан қудратли эканлигини кўп гапирамиз. Айни замондаги халқаро ҳарбий-сиёсий муносабатларнинг кескинлашаётганини ўша факулдда қудрат миллий руҳимиз, жасоратимиз, ўзлигимизни янада юксак поғоналарга кўтариш мақсадларида сафарбар этилишини тақозо қилмоқда.

Хуришд ДЎСТМУҲАММАД,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси.

МАЪНАВИЙ МАСЪУЛЛИК

Мамлакатимиздаги янги давр бўлиши барча соҳа қатори

Қуролли Кучлар тизимида ҳам янгиланишлар бошланганини намоён этди, ўтган уч йил мойбайнида мудофаа ишлари янги босқичга кўтарилди. Таъбир жоиз бўлса, янги Ўзбекистоннинг янги армияси шаклланди.

Ҳарбий таълимда собиқ иттифоқдан қолган, ўзида ўша давр мафкурасини ифодалаган тизимдан мутлақо янги — узлуксиз ҳарбий таълим жараёнига ўтилди. Янги тузилмалар ташкил этилди. Бу борада қуйи бўғинда “Темурбеклар мактаблари”нинг ташкил этилиши, замонавий таълим дастурлари, ўқув-услубий фаолияти тубдан қайта янгиланаётгани бошлангич ҳарбий таълимга янги руҳ олиб кирди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни таҳлил қилиб, келгуси вазифаларни белгилар экан, энг муҳим масалага эътиборни қаратди. Таъкидланганидек, бугунги ахборот ва юқори технологиялар асрида фақат ҳарбий салоҳият, замонавий ўқув полигонлари, қурол-аслаҳаларнинг ўзи мамлакатнинг тинчлиги ва барқарорлигини таъминлаш учун етарли эмас.

Ҳамиша, ҳамма даврларда лашкарнинг қудрати, аввало, миллий руҳ ва суи остида сузиш машғулотларида қатнашади. Сув ҳавзаси ёнида курсантлар учун тренажёр залининг барпо этилгани ҳам уларнинг жисмоний чиниқишида муҳим ўрин тутиши, шубҳасиз.

«Халқ сўзи».

Мангуберди, Амир Темур, Бобур, саркарда Алимқул, булар маънавий руҳ, мардлик ва шижоат, миллатпарварлик, ватанпарварлик туйғуси билан аскарларини энгилмас кучга айлантира олган ўрт қалқонларидир. Бутун бошли ёв қўшинини саҳрода адаштириб ҳалок этган, оқибатда ўзи ҳам қурбон бўлган чўпон Широқ қалбидagi ўлмас руҳ ўша ватанпарварлик эмасмиди?!

Азалдан олимлари, шоирлари, бахшилари мардона сўз айтгувчи халқларни енгувчи куч бўлмаган. Ахир биргина “Алпомиш” дostonи асрлар давомида халқимиз учун мард, асл ватанпарвар йигитларни тарбиялаб берувчи мардлик мактаби бўлиб келганлигини ўзи бунинг тасдиғи эмасми?! Фарзандлари юрагидa юксак ватанпарварлик руҳини уйғотолмаган, камол топтира олмаган

Мангуберди, Амир Темур, Бобур, саркарда Алимқул, булар маънавий руҳ, мардлик ва шижоат, миллатпарварлик, ватанпарварлик туйғуси билан аскарларини энгилмас кучга айлантира олган ўрт қалқонларидир. Бутун бошли ёв қўшинини саҳрода адаштириб ҳалок этган, оқибатда ўзи ҳам қурбон бўлган чўпон Широқ қалбидagi ўлмас руҳ ўша ватанпарварлик эмасмиди?!

Мангуберди, Амир Темур, Бобур, саркарда Алимқул, булар маънавий руҳ, мардлик ва шижоат, миллатпарварлик, ватанпарварлик туйғуси билан аскарларини энгилмас кучга айлантира олган ўрт қалқонларидир. Бутун бошли ёв қўшинини саҳрода адаштириб ҳалок этган, оқибатда ўзи ҳам қурбон бўлган чўпон Широқ қалбидagi ўлмас руҳ ўша ватанпарварлик эмасмиди?!

миллат, ҳар қанча қудратли қуролга эга бўлмасин, бир кун ганимлар томонидан маҳв этилиши мумкин. Бунини нафақат тарих, айни замонда дунёда кечаётган воқеа ва ҳодисалар ҳам кўрсатиб турибди.

Бугун хушёрлик нафақат Қуролли Кучлар тизимида, чегарачилар қалбидa, балки ҳар бир юракда уйғотувчи куч бўлиши керак. Хушёрлигини йўқотган қалбга, ғафлат босган юракларга ўзгалар байроғини тикишга ҳозирлигини ҳеч қачон унутмаслик керак.

Дунёда шундай паразит ҳашаротлар борки, улар тухумларини бошқа жонзотлар қониға қўядилар, уларнинг зурриётлари ўша жонзотлар жисмида ўша вужудни кенериб вояға етадилар ва уларни ҳалок этадилар.

Агар бугунги дунёда юз бераётган катта-кичик зиддиятларнинг табиғати назар солсак, аллақачон гибрид урушлар даври бошланганлиги, аҳолининг, биринчи навбатда, ёшлар онгини манипуляция қилишга қаратилган ахборотлардан асосий қурол сифатида фойдаланилаётганини яққол қўришимиз мумкин. Бугун душмanning ўқлари инсонларни жисмонан йўқ қилса, унинг сўзлари кишиларни маънан маҳв қилмоқда. Душман томонидан отилган битта ўқ бир кишини йиқитса, у томондан отилган битта сўз минглаб кишиларнинг онги, руҳини маҳв қилиб, манқуртга айлантирмоқда. Ўз халқига қарши олантирмоқда.

Шу маънода, Президентимизнинг “Армия моддий жиҳатдан энг замонавий ва зарур воситалар билан таъминланган бўлиши мумкин, лекин ахлоқий жиҳатдан заифлиги, жанговар руҳи, Ватанга содиқлик ва муҳаббат, унинг тақдири учун масъулият ҳисси йўқлиги ёки лоқайдлик тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин”, деган сўзлари бугунги куннинг аён ҳақиқатидир.

Мардлик — мардликни уйғотади, эр йигит сўзи — эр йигитни қолмага етказди. Бу сўз — миллий руҳ, бу сўз — маънавият, бу сўз — асл ватанпарварликдир! Бугун нафақат Қуролли Кучлар тизимидаги аскар ва офицерлар, балки ҳар бир Ўзбекистон фуқароси қалбидa миллий руҳ, миллат шаънини асраш туйғуси, ватанпарварлик байроқдай муҳим ўрин тутиши лозим. Миллатнинг ғурури, ори, ҳамияти, бирлигини йўқотишга, ёшларимиз юрагидан ватанпарварлик туйғусини сидириб ташлашга уринаётган қучларга нисбатан ҳам зиёлилар энг катта маънавий қурол — муқаддас Ватанимизга бўлган юксак муҳаббатни дастур қилиб майдонга чиқишимиз керак.

Бу ҳолатда юртнинг келажағи, мамлакатимиз тараққиёти, юксалиши биз фуқаролар, энг аввало, зиёлилар, миллатпарварлар, катта-кичик лаозимдаги кишиларнинг ўтмиш ва келажак олдидagi маънавий масъулигимизга, айниқса, бу масъулиятни бутун онгу шууримиз, қалбимиз билан ҳис этишимизга боғлиқдир.

Минҳожиддин ҲОЖИМАТОВ,
Республика Маънавият ва маърифат
маркази раҳбари.

ТАН ВА ЖОН МУДОФААСИ

Қуролли Кучлар Академиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказиладиган Ҳавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишига бир қатор ижод аҳли қаторида тақлиф этилганимни эшитиб, аввалига ҳайрон бўлдим.

Одатда, бундай йиғилишларга соҳа мутасаддилари ва мутахассисларигина тақлиф этилар эди. Балки одатдагидек, ҳарбий-ватанпарварлик мавзуларида асарлар яратиш, чиқишлар қилиш масалалари ҳам кўрилса керак, деган ўйга бордим. Қалам-дафтаримни кўтариб, биноға кириб боряпману, йўл-йўлақай мажлислар залиға маданият, матбуот, таълим йўналиши, тиббиёт, маънавий-маърифий ташкилотлар раҳбарлари, парламент вакиллари, тарихчи олимлар, жамоат ташкилотлари мутасаддиларини кўриб, сўрашиб ўтяпман. Қисқаси, ҳарбийлар йиғинида кўпчилиги ижтимоий ва маданий йўналиш етакчилари. Ҳайронлигим янада кучайди.

Аммо йиғилиш бошланиб, Президентимизнинг сўзларини тинглай бошлагач, бу издиҳом янги Ўзбекистон тарихининг яна бир янги зарварағи, мамлакат мудофаа сиёсатида тубдан янги дунёқараш, айтиш ўринлики, соф миллий ёндашиш ҳодисаси — тарихий воқеа эканини ҳис этдим. Ҳиссиётлар тафаккурига таф бериб, ҳаяжоним ортиб борди. Айниқса, “28 йилдан бери “Суворовчи” номи билан, сохта “ура”бозлик, “левый-правый маршлар” каби галати машғулотлар билан ўзлгимизни тамом унутиб, не бир “ноғора-барабан”ларға махлиё бўлиб юрганимиз рўйирист айтилганида кўпчилик иштирокчилар каби, хижолатдан минг қизариб, кўзларимни яширишга жой қидирдим. Ахир билар-

дик-ку биз шуларни. Мустақиллик дея кўксимизга уриб юрганимизда ҳам армиямиз, ҳарбийларимиз на шаклан, на мазмунан миллий қиёфа кашф этолмай юрганини англар эдик-ку? Лекин аралашмасдик, гўё бизга улар, ё биз уларға дахлдор эмасдек. Наҳотки, мустақил миллий давлат ўз ҳимоячиларининг қалби, фикри, интилиш ва ҳаракатларининг ҳар бир унсури миллий-лашсагина, ватанпарварлик ва миллатпарварлик ҳиссиётлари жўш уриб, эл-юрт олдидagi масъулият, зийраклик, огоҳлик касбий бурчаға айланишини ўйламаса. На қасамёди ва на бажараётган машғулотлари кимдандир ўзлаштирилган, таржима қилинган, моҳиятан ўз тилида, ўзиники бўлмаган навқирон йигитнинг мафкураси қандай

бўлади?! Ўйға толдирадиган огрикли савол. Йиғилишда Ўртбошимиз бу саволни нафақат ҳарбийларға, айни чоғда барчамизга бердилар.

Орий ростки Иброҳим Лодининг юз минг лашкарлик қўшинига чарчаган, узоқ ҳарбий сафарларда толиққан, аммо руҳан тетик, пухта тайёрланган, ҳарбий тажрибалари ва маҳорати кучли 12 минглик Бобур қўшинлари қандай бас кела олди экан? Бирға 8-9 ёғий душман тўғри келиб турган бир вазиятда биргина жоннинг голиб келиши учун маҳорат ё тажрибанинг ўзи кифоямикан? Асло! Фақат ва фақат гоё, маънавий маслак, Ватан ва ватандошлар ҳаёли, орзу-ниятлари жанг тақдирини ҳал этиши мумкин эди. Шундай бўлди ҳам. Юз минг қўшин-

лик армия тор-мор этилиб, янаки не-не жанговар филлар билан қуролланган армия пароканда этилиб, Ҳиндис-тонда бобурийлар сулоласи мустаҳкам қарор топди. Президентимиз шу буюқ тарихий мисолни ибрат ўлароқ бот-бот эслатар чоғда маънавият жаҳхасидagi ҳамкасбларим қатори, менинг ҳам хотирамда яна кўп мисоллар жонланди. Адабиёт, санъат, кино учун не-не очилмаган қўриқларимиз бор-а!

Яна бир тарих ҳақиқати шуки, 70 йилдан ортқк яшаган Шу ўр давлатини нима ушлаб турди? Энг аввало, гоё, албатта. Пировардида сохта ва ноинсоний бўлиб таназзулга учраган гоёға алданиб, халк не-не жафоларға бормади. Аввало, ака-ука, ота-болани бир-бириға душман қилган граждaнлар уруши (“Ўткан кунлар”даги Отабекнинг набиралари, Ёдгорбекнинг икки ўғлидан бирининг босмачиликка, иккинчисининг қизил Шуўрoларға қўшилиб кетгани каби), қулоқлаштириш, “халқ душмани” тамғаси билан ер-мулк эгаларини, зиёлиларни қатагон қилиш, ўз тарихи, миллати учун қайғурганларни “миллатчи” дея сафлардан ҳайдаш каби не-не тарихий воқеалиқлар Шуўро гоёси остида кечди-ку?!

Шу гоё учун уни эътиқод даражасида қабул қилиб, жон фидо этганлар қанча

ғунчиликлардан ҳавфсиз бўлмоғи учун жавобгар. Тана билан руҳ, алахусус, инсоннинг ташқи ва ички дунёси ҳавфсизлиги, мудофааси уйғунлигида том маънодаги тўқилиш, тўқилонли ҳаёт бўлади. Демак, тану жон ҳимояси, танани руҳдан, руҳиятни вужуддан айирмай, бирдек мудофаа этиш халқ ва жамиятнинг тинчлиги, фаровонлиги ва раванки гарови.

Йиғилиш давомида кўнгилдан кўп гаплар ўтди. Хижолатпазлик, пировардида тийрак фикрга, мушоҳадаға алмашинди. Жўшқин фикрлар эса завққа йўл очди. Ҳа, миллат, халқ, Ватаниннг ўтмиши, бугуни ва келажағи учун жон фидолик билан қуйиниб, ёниб айтилган фикр ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Алалоқибат, ҳар учрашув ва суҳбатлардан сўнг ўз берадиган ҳолат — виждон азоби тунни бедорликка маҳкум этди. Шу юрт, замин учун, шу халқ учун куну тунини беҳалолат, изланиб, ўйлаб, ўртаниб, Ўзбекистон сарҳадларини тинимсиз кезиб, хоржиринг не-не манзилы маконларида турфа етакчилари билан тенгма-тенг машваратларда тинчлик, осойишталик, фаровонлик ва тараққиёт тилағида юрган миллат отасининг саъй-ҳаракатлари нисбатига “мен нима қилдим, нима қила оламан-а?!” деган огрикли ўйлар юракни тирнади... Бундай саволлар, назаримда, маърузани тинглаган барчанинг ҳаёлидан ўтди.

Шуҳрат РИЗАЕВ.

ВАТАНПАРВАРЛИК — МУҲАББАТ ИФОДАСИДИР

Билим ва тафаккур ҳеч бир инсонда ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бу жонқуяр, фидойи ўқитувчи ва мураббийларнинг кўп йиллик меҳнати, изланишлари натижасида юзага келади, шаклланади, кучайиб боради. Таълим беришнинг асоси бўлган билимнинг даражаси ҳақида Юсуф Хос Ҳожиб “Кутадғу билиг” асарида шундай ёзган: “Одамзод насли аслида Ер юзидаги барча жонлилар орасида энг улуғдир. Аммо бу улуғлик билим билангина тўлиқлик, мукамаллик касб этади”.

Миллий армиямиз сафларида уларнинг ўрни алоҳида эътироф этилади. Меҳнати ҳамиша ҳам кўзга ташланавермайдиган бу инсонларнинг фидойи хизмати туфайли мамлакатимизда Ватанни ҳимоя қилишдек улуғ вазифани зиммасига ишонч билан ола биладиган, ҳарбий-сиёсий вазиятни чуқур таҳлил қилиб, жанг шароитида ўзини йўқотмай, мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қиладиган ҳарбий кадрларни тайёрлашнинг ўзига хос ноёб тизими яратилди. Қуролли Кучларимизнинг мудофаа қудрати йилдан-йилга ортиб бормоқда.

ҲАРБИЙ ТАЪЛИМДА ЎЗИГА ХОС НОЁБ ВА ЯХЛИТ ТИЗИМ

Ислохот

«Темурбеклар мактаби»

Президентимиз ташаббуси билан буюк саркарда Амир Темур бобомизнинг мардлиги ва ватанпарварлиги, жасорати ва адолатпарварлигини ёшларимизга ўрнак қилиш мақсадида мамлакатимиздаги барча ҳарбий лицейларга “Темурбеклар мактаблари” деб ном берилгани жуда катта аҳамиятга эга воқеа саналади. Чунки ҳар бир йилитқиз, айниқса, ҳарбийлик касбини танлаган ёшлар жонажон Ватанимиз тарихини, халқ қаҳрамонлари, буюк саркарда ва қўмондонлар ҳаёти ҳамда жасоратини чуқур билиши, улар билан фахрланиши керак. Бу инсонда миллий ғурури, ватанпарварлик, фидойиллик ҳиссини тарбиялайди.

Бугун ҳарбий таълимнинг илк кўникмалари айнан “Темурбеклар мактаби”да берилмоқда. Мазкур таълим даргоҳлари ёш авлоднинг ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, буюк давлат арбоби ва саркарда, соҳибқирон Амир Темурнинг юксак қасдларини ёш авлод ўртасида тарғиб қилиш, олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун энг муносиб номзодларни тайёрлаш вазифаларини бажармоқда.

Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Урганч шаҳарларида жойлашган “Темурбеклар мактаблари”да камда ўн йиллик педагогик фаолиятга эга, изланувчан, тарих ва Қуролли Кучлар фаолияти ҳақида етарли билим ҳамда кўникмага эга устозлар таълим бермоқда. Уларнинг бир нечтаси давлат мукофотлари билан тақдирланган.

Кичик мутахассисларни тайёрлаш маркази

“Амр қилдимки, баҳодирлардан кимки қилча қопласа ўзини кўрсатса, биринчи марта бўлса ўнбоши, иккинчи марта ботирик қилса юзбоши, учинчи мартасида мингбоши қилиб тайинлансинлар”, дейди соҳибқирон Амир Темур.

Замонлар эврилиши натижасида буюк бобомизнинг аскарлари қуйи мартабадан юқорига кўтариш тугуми Ўзбекистон ҳарбий таълим тизимида ўз аксини топди. Сўнгги йилларда фаолияти такомиллаштирилган Қуролли Кучлар Кичик мутахассисларни тайёрлаш марказига номзодлар икки босқичда — касбий ва жисмоний тайёргарлиги, маънавияти ва ташкилотчилиги даражалари асосида танлаб олина-

Моҳир танкчилар камол топмоқда

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти узоқ йиллардан бўён қўшинларимизга турли йўналишда олий маълумотли ҳарбий мутахассисларни тайёрлаб бермоқда. Билим юртининг 12 кафедр ва малака ошириш факультетида 230 дан ортиқ ўқитувчилар фаолият олиб боради. Сўнгги икки-уч йил ичида таълим муассасаси устоз ва мураббийларининг 1 нафари “Дўстлик” ордени, 1 нафари “Содиқ хизматлари учун” медали, 6 нафари “Шўхрат” медали билан тақдирланди. Билим юртида илмий тадқиқотлар, мустақил изланишлар доимий тарзда олиб борилаётди.

Ўқитувчи ва мураббийларнинг фидойи хизмати курсантлар эришадиган натижаларда кўзга ақсол ташланади. Мазкур билим юрти курсантлари ўтган йилларда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ҳарбийлари ўртасида ўтказилган халқаро умумармия ўйинларида, фан олимпиадалари ва мусобақаларда ҳарбий-касбий тайёргарлик, олий математика бўйича ва бир неча йўналишларда фахрли ўринларни эгаллаб, ўзларининг нималарга қодир эканликларини намойиш қилишган.


Самода 70 соат

Қарши шахрига қўчиб ўтган Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юртининг илмий салоҳияти бугун 26 фойиздан ошган. Яқинда икки нафар ўқитувчи психология фани бўйича фалсафа доктори (PhD), иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини олди. Таълим даргоҳида тадқиқотчилар сонини жами педагогларга нисбатан 56 фойизга ташкил этади.

Францияда ишлаб чиқарилган “Н-125” замонавий вертолётининг авиация тренажери, замонавий компьютер технологиялари билан таъминланган ўқув хоналари, 56 мингдан зиёд китоб фондига эга кутубхона ҳамда бошқа зарур авиация ўқув қуроллари ҳар томонлама етук ҳарбий ўқувчилар ва авиация мутахассисларини тайёрлашга жалб қилинган. Курсантларнинг парвоз вақти ўтган йил-

лардагига нисбатан бир неча баробар ортиб, бугун 60, 70 соатни ташкил этмоқда.

Франция, Америка Қўшма Штатлари, Германия, Италия каби ривожланган хориж давлатлари билан ҳарбий таълим соҳасида мустақам алоқалар ўрнатган таълим муассасасининг собиқ битирувчилари Ўзбекистон Ҳарбий ҳаво кучларининг олий тоифали ўқувчилари сирасига қиради.



Тиббиёт мутахассислари ҳар соҳада керак

Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий-тиббиёт факультети айни вақтда Қуролли Кучларимизни профессионал даражада тайёрланган етук ҳарбий шифокорлар билан таъминламоқда. Интеллектуал салоҳиятга эга, она юртига садоқатли, қўшинларни тиббий таъминлашни самарали ташкил этишга қодир бўлган, тиббий хизматнинг юқори малакали офицерларини, резерв ва заҳирадаги офицерлар таркибини тайёрлаш, Қуролли Кучлар тиббий ходимларининг ҳарбий ва касбий тайёргарлиги даражасини мунтазам ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш, ҳарбий тиббиёт соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳарбий-тиббиёт факультетининг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Курсантлар қўшинларнинг тиббий таъминлашини ташкил қилиш, ҳарбий дала жарроҳлиги, ҳарбий дала терапияси, умум-ҳарбий тайёргарлик, ҳарбий гигиена ва эпидемиология, радиология, токсикология кафедраларида бой тажрибага эга устозлардан сабоқ олишмоқда.

АКТ ва инновацион ёндашув

Президент қарори билан ташкил этилган Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти фаолиятини йўлга қўйишда қўллаб-қўллаб давлатлар армияларида микроэлектроника, робототехника, ахборот хавфсизлиги, киберхавфсизлик,



IT технологияларининг қўлланилиши чуқур ўрганилди.

Бугунги кунда мазкур институт учун Тошкентда ҳарбий илмий шаҳарча, яъни кампус барпо этилмоқда. Унда алоқа соҳасига оид ҳарбий қисм ҳам бўлиб, барча турдаги алоқа ва ахборот-коммуникация технологияларига оид техника ҳамда ускуналар жойлаштирилади. Амалиёт базаси ҳисобланган бу ҳарбий қисмда курсантлар қўшимча маълумотларни қидириш эҳтиёжини сезмайди.

Фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқот ишлари ҳам олиб бориладиган алоқа ҳарбий институтининг педагогик жамоаси юқори илмий даражаларга эга, замонавий билим ва технологияларни эгаллаган профессор-ўқитувчилардан иборат.

Янгиланган Академия

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондон Шавкат Мирзиёев 2017 йил Ватан ҳимоячиларига йўлаган байрам табригида мутлақо янги Қуролли Кучлар Академиясини ташкил этиш, Академияда лейтенантлар тайёрлаш, офицерлар малакасини ошириш, бошқарув таркибидagi қўмондонлик кадрларини махсус тайёргарликдан ўтказиш, профессор-ўқитувчиларнинг хориж-



даги етакчи олий таълим муассасаларида малака оширишини йўлга қўйиш ҳақида вазифа қўйган эди. Кўп ўтмай, Президентнинг тегишли қарори қабул қилиниб, бу ерда хорижнинг илғор технологиялари ва замонавий ўқув воситаларини муассасамиз этган Қуролли Кучлар Академияси ташкил этилди. 2018 йил январда Олий Бош Қўмондон мазкур янгиланган таълим маскани фаолияти билан танишган эди. Кунки кеча давлатимиз раҳбари ушбу Академияга яна таширф бўйиб, ўқув муассасаси фаолиятини такомиллаштириш бўйича саъй-ҳаракатлар натижаси ҳамда фойдаланишга топширилган замонавий таълим инфратузилмаси объектларини кўздан кечириди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган қисқа вақт ичида Академиянинг ташкилий-штат тузилмаси қайта қўриб чиқилиб, унга — умумқўшин, малака ошириш, ҳарбий хавфсизлик ва давлат мудофааси факультетлари фаолияти йўлга қўйилди. Битирувчиларга “бакалавр”, “магистр” ҳамда “давлат ва ҳарбий бошқарув магистри” академик даражаси берилди.

Россия, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия, Франция, Туркия, Покистон, Беларусь ва бошқа бир қатор етакчи хорижий давлатлар олий ҳарбий таълим муассасалари билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқалари дунё армиялари тақрибасини таҳлилий ўрганишга хизмат қилмоқда. 2018/2019 ўқув йили давомида Академиянинг 59 нафар ўқитувчиси хорижий давлатларда малака ошириб қайтди.

Қисқа вақтда Академиянинг илмий салоҳияти 19 фойиздан 40 фойизга ошди. Бугун таълим даргоҳида 11 нафар фан доктори, 68 нафар фан номзоди, 14 нафар доцент, 7 нафар докторант ва 57 нафар мустақил изланувчи фаолият олиб бормоқда.

Олий аттестация комиссияси Президиумининг қарорига биноан, Академияда илмий кенгаш фаолияти, шунингдек, Мудофаа вазирлиги раҳбарияти ташаббуси билан илмга чанқоқ олий маълумотли, иқтидорли аскарлардан иборат илмий явзод ташкил этилди.

2018/2019 ўқув йилида Академиянинг 6 нафар офицери докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилиб, “Ҳарбий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)” илмий даражасига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси қисқа йиллар ичида олий қўмондонлик таркиби ҳамда ҳарбий округ поғонасига тегишли бошқарув органларига мансуб офицер кадрларни тайёрлайдиган, мудофаа қурилиши соҳасида олиб бориладиган илмий тадқиқот ва ишланмаларни мазмунан мувофиқлаштириб борадиган бош олий ҳарбий таълим муассасасига айланди. Таълим муассасасида нафақат мамлакатимизда, балки минтақамизда ягона ҳисобланган Ҳарбий илмий-тадқиқотлар марказининг фаолияти йўлга қўйилиши энг илғор ғоя ва ишланмаларни қўшинларимизга тақдир этиш имкониятини бермоқда.

Фурқат ЭРҒАШЕВ.

Тинчлик — энг олий неъмат. Она Ватан осойишталигини сақлаш шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Бу улуғ туйғуни ўсиб бораётган ёш авлод қалбига сингдириш, уларда Ватанга муҳаббат ва садоқат тушунчаларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга.

МУҚАДДАС БУРЧ САОДАТИ

Тошкент тиббиёт академиясида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техника институти билан ҳамкорликда “Менинг армиям — менинг фахрим” шиори остида ўтказилган тадбирда шулар ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда Миллий армиямиз сафларига юқори малакали тиббиёт ходимларини тайёрлашда ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажариб келаётган Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий-тиббиёт факультети шахсий таркиби ҳарбий хизматчилари фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўшиғи садоси остида патруллик кавалерия бўлинмаларидаги отлар, енгил автомобиль ва мотоциклларнинг намойиши, курсантларнинг кўргазмали чиқишлари, оркестр ва “Алвон бегетлар” бадий ҳаваскорлик ансамбли ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг “Наво-шифо” ансамблининг концерт дастурлари йиғилганларга байрамона кайфият улашди.

Шаҳзод ҒАФОРОВ («Халқ сўзи»)

ҲАВАС ҚАТЪИЙ АҲДГА АЙЛАНДИ

Президентимизнинг тегишли фармойишига мувофиқ, мамлакатимизда 2019 йил 15 декабрдан 2020 йил 15 январга қадар “Ватанпарварлик ойлиги” ўтказилмоқда.

Наманганда мазкур ойлик муносабати билан халқ таълими бошқармаси тизимидаги умумтаълим мактабларида ҳарбий спорт мусобақалари ва бошқа оммавий тадбирлар ташкил этиляпти. Жумладан, Поп, Норин туманларидаги 10 ва 11-синф ўқувчилари учун “Ватанпарварлик — миллий юксалиш кафолати!” шиори остида ҳарбий қисмларга экскурсиялар ташкил этилди. Тадбир дастури доирасида “Энг буюк жасорат — маънавий жасоратдир”, “Мердлар қўнқлайди Ватанини!”, “Темурбеклар” ҳарбий спорт ўйинлари, эстафеталар ва интеллектуал ўйинлар, қақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанида ўқув курсантларини ишлатиш бўйича ўқув-семинар ўтказилди. Унда иштирок этган ўқувчи-ёшлар бошланғич ҳарбий тайёргарлик бўйича тушунчаларини амалда сынаб кўрдилар.

— Аскарлик либосидаги акаларимизнинг чаққон ҳаракатлари, жанговар шайликларини кўриб, ҳарбий бўлиш ниятим янада қатъийлашди, — дейди Норин туманидаги 23-умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Н. Аҳмаджонов. — Ҳарбий хизматчиларимиз бизни замонавий техника ва қуроллар билан таништиришди. Экскурсия давомида миллий армиямизнинг нақада қудратли эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

“Ватанпарварлик ойлиги” тадбирлари вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам ўтказилмоқда.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ («Халқ сўзи»)

«ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ» МАЙДОНИДА ФЕСТИВАЛЬ

Президентимизнинг 2019 йил 13 декабрдаги фармойишига мувофиқ, Қуролли Кучларимиз ташкил қилинганнинг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан юртимиз бўйлаб “Ватанпарварлик ойлиги” қизгин давом этмоқда.



Жумладан, айна кунларда пойтахтимиздаги “Халқлар дўстлиги” санъат саройи олдидagi майдонда ҳарбий-ватанпарварлик фестивали ўтказилляпти. 14 январга қадом этакдиган тадбир дастури ранг-баранг бўлиб, таширф бўйрувчилар ҳарбий оркестр ва ансамбль концертлари, курсантларнинг чиқишлари, ҳарбий тех-

ника ҳамда қурол-аслаҳалар намойишини томоша қилишлари мумкин. Хусусан, бугун — 12 январь кўни соат 14.00 дан 17.00 гача эстрада юлдузлари иштирокида катта дастур тақдим этилади.

Ҳасан ПАЙДОЕВ («Халқ сўзи») олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда Навоий шаҳрида ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар органлари ходимлари учун барпо этилган 60 хонадонга мўлжалланган 2 та кўп қаватли уй ўз эгаларига топширилди.

«Байрамни янги уйда кутиб оламиз»

Шу муносабат билан ўтказилган тантанали тадбирда кейинги йилларда мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, хусусан, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш, яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган эзгу ишлар кўлами кенгайиб бораётгани таъкидланди. Хусусан, 2018 йили Навоий вилоятида ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари учун 8 та 5 қаватли уй фойдаланишга топширилган эди. 2019 йилда 6 та 5 қаватли уй барпо этилди.

Янги уй соҳиблари орасида вилоят ички ишлар бошқармасида фаолият кўрсатиб келаётган Азамат Қурбонов ҳам бор.

— Бугун жуда хурсандмиз. Байрамни янги уйда кутиб оладиган бўлдик, — дейди у. — Бундай эътибор бизга янада масъулият юклайди. Ватанимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини таъминлаш йўлида бор куч ва сало-



ҳиятимизни ишга соламиз. Бизга шундай чексиз ғамхўрлик кўрсатаётган Президентимиздан миннатдормиз.

Тадбирда Навоий вилояти ҳокими Қ. Турсунов қатнашди.

Азамат ЗАРИПОВ («Халқ сўзи»).

СОЛИҚ ТИЗИМИ

ТЕКШИРУВЧИ ЭМАС, РАҒБАТЛАНТИРУВЧИГА АЙЛАНМОҚДА



Бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам янги Солиқ кодексини ҳаётга татбиқ этиш масаласи атрофлича муҳокама қилинди. Бинобарин, унда аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, инвесторлар, саноат корхоналари, умуман, иқтисодиётимиз равнақи учун хизмат қилувчи янгиликлар жуда кўп.

Бизнинг интервью

— **Бекзод Анварович, суҳбатимизни, аввало, давлатимиз раҳбарининг ушбу Фармони қабул қилинишига бўлган заруратлардан бошласак. Зеро, унгача тизимда таллайгина камчилик ва муаммолар мавжуд эди.**

— Чиндан ҳам, ўрганишлар шу пайтгача солиқ тизимдаги бир қатор ечимини кутаётган муаммолар борлигини кўрсатаётганди. Солиқ тўловчилар учун солиқ юқининг баландлиги, қўшимча қиймат солигининг оширилган ставкаси ва самарасиз тизими, солиқ тўловчилар томонидан ишчиларнинг ҳақиқий сони ҳамда даромадини яшириш, назорат фаолиятини амалга ошириш вақтида таҳлил ва ҳавфларни бошқаришнинг аниқ тизими мавжуд эмаслиги каби кўплаб камчиликлар мавжуд эдики, уларни бартараф этиш долзарб масалага айланганди. Айни шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ишлаб чиқилди ва 2019 йилда уни рўйбга чиқаришга жиддий қилишди. Натижада бир қатор солиқ турлари қисқартирилди ёки умуман бекор қилинди.

Очигини айтиш керак, бошида солиқлар қисқартирилса ёки пайсантирилса, тикланишнинг ўзига уч йил кетади, ундан кейин бизнесга сал шароит яратилади, деган гунон, хавотир йўқ эмасди. Бу ҳақид нафақат бизда, балки халқаро экспортларда ҳам бор эди. Лекин амалда қандай натижага эришдик, бунга бугун барчамиз гувоҳимиз.

Шу ўринда айрим рақамларни келтириб ўтсам. Энг биринчиси, бу — иш ҳақиға бўлган солиқ юки.

Иккинчиси, пенсия жамғармаси учун ижтимоий тўловлар. Бу ҳам огир масала эди. Чунки йирик солиқ тўловчилар ҳар бир оборотидан 3,2 фоиз тўлов қиларди. Бу — олдинги солиқ сиёсатининг бир кўриниши. Яъни пенсия бериш керак, бунинг учун эса бюджетни тўлдириш лозим. Бу эса юқоридаги тизим орқали йирик корхоналар зиммасига юк бўлиб тушаверган. У нимадан фойда кўради, қандай даромад қилади, ҳеч кимни қизиқтирмасди. Шу боис Президентимиз томонидан бу нарасага чек қўйиш кераклиги, йирик корхоналарга огир солиқ юки қўйилмаслиги топширми берилди. Пировардида мазкур тартибдан воз кечилди.

Қисқаси, бундай ортиқча солиқ юклари кўп эди. Хусусан, 2019 йилдан юридик шахсларнинг фойда солиғи, мол-мулк солиғи, ягона солиқ тўлови ва ягона ижтимоий тўлов ставкаси пасайтирилди. Саккиз фоизлик суғурта бадали ҳамда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга фойда солиғи бекор қилинди.

2019 йилга солиқ соҳасидаги шундай ўзгариш ва мураккабликлар билан кириб келгандик. Албатта, бу жуда катта таваккалчилик эди. Юқорида айтганимиздек, ҳақид қисқартирилса ёки пайсантирилса, тикланишнинг ўзига уч йил кетади, ундан кейин бизнесга сал шароит яратилади, деган гунон, хавотир йўқ эмасди. Бу ҳақид нафақат бизда, балки халқаро экспортларда ҳам бор эди. Лекин амалда қандай натижага эришдик, бунга бугун барчамиз гувоҳимиз.

Шу ўринда айрим рақамларни келтириб ўтсам. Энг биринчиси, бу — иш ҳақиға бўлган солиқ юки.

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбари аввал бошданоқ мамлакат тараққиётининг таянчи бўлган солиқни ҳалол ва рағбатлантирувчи тизимга айлантиришга алоҳида эътибор қаратиб, бу борада муҳим ҳужжатларни имзолагани диққатга сазовор. 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони бунинг тасдиғидир. Ушбу ҳужжатда солиқ солиш тизимини соддалаштириш, иқтисодиётни тезкор ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини яхшилаш бўйича кўплаб вазифалар белгилан берилди. Шундан сўнг ўтган вақт мобайнида бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ишлаб чиқилди ва у жорий йилнинг 1 январидан қучга кирди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Бекзод МУСАЕВ билан қилган суҳбатимиз ҳам кейинги йилларда тизимда олиб борилган кенг қўламли саяҳ-ҳаракатлар, жумладан, янги Солиқ кодексининг ишлаб чиқиши жараёни ва унинг аҳамияти хусусида бўлди.

нинг олиб ташланиши, солиқ юқининг пасайтирилиши туфайли, айниқса, йирик солиқ тўловчилар ихтиёрида 10 триллион сўмдан ортиқ маблағ қўлаётгани диққатга сазовор. Қолаверса, 100 мингдан зиёд янги тадбиркорлик субъектлари вужудга келди. Бу ҳам олдинги йилдаги нисбатан қарийб 2 баробар кўп кўрсаткичдир.

Яна бир муҳим масала. Илгари қўшилган қиймат солиғи аввал ишчилар сонидан келиб чиқиб белгиланган бўлса, эндиликда оборотдан тўланапти. Чунки баъзи корхоналар, йирик бўлса-да, ишчилари кам бўлиши мумкин. Бошида мазкур солиқ ставкаси юқори эканлиги хусусида фикрлар ҳам бўлди. Президентимиз томонидан 2019 йилнинг 26 сентябрида қабул қилин-

— Аввало, янги кодекс туфайли солиқ турлари 13 тадан 9 тага қисқартирилганини айтиб ўтиш жоиз. Яъни ягона ер солиғи, давлат бож, божхона тўловлари, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқлар бекор қилинди.

Бундан ташқари, шу пайтгача қўшилган қиймат солиғи фақатгина экспортчи субъектларга, Вазирлар Маҳкамасининг рухсати асосида ғазначилик билан келишилган ҳолда қайтариларди. Энди эса солиқ органларига қўшилган қиймат солиғи “манфий” қолдиқ суммасини қайтариш ҳуқуқи берилмоқда. Шу билан бирга, асосий воситалар ҳамда кўчмас мулк объектлари харид қилинганда ёки янгидан барпо этилганда ҚҚСни бир йўла ҳисобга

✓ 2019 йил якунига келиб, даромад солиғи тўловчи жисмоний шахслар сезиларли даражада кўпайиб, биргина ушбу солиқ туридан қарийб 2 баробар кўп тушум бўлиши таъминланди.

✓ Ўтган йил бошида 7 мингта қўшилган қиймат тўловчиси бўлган бўлса, ҳозирги кунда улар сони 80 мингдан ортиб кетди. Яъни 12 баробар кўпайди. Тушум эса 1,8 баробар ошди.

✓ Янги Солиқ кодекси туфайли солиқ турлари 13 тадан 9 тага қисқартирилди.

ган “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон билан ушбу масалага ечим топилди. Яъни у 20 фоиздан 15 фоизга туширилди, 2019 йилнинг 1 октябридан амалиётда қўлланилмоқда.

Натижада 2019 йил бошида 7 мингта қўшилган қиймат тўловчиси бўлган бўлса, ҳозирги кунда улар сони 80 мингдан ортиб кетди. Яъни 12 баробар кўпайди. Тушум эса 1,8 баробар ошди.

Умуман олганда, ўтган йилнинг декабрь ойи бошида солиқлар бўйича белгиланган 75 триллион сўм тушум бажарилди. Худди шундай пенсия жамғармасига мўлжалланган 19 триллион сўм 24 триллион сўм этиб шакллантирилди. Бу пенсия бўйича захира яратилди, дегандидир. Буларнинг барчаси Президентимизнинг одамларни, тадбиркору ишбилармонлар манфаатини, қолаверса, мамлакатимиз иқтисодиётини ўйлаб олиб бораётган оқилона сиёсати самарасидир.

— **Жорий йилдан қучга кирган янги Солиқ кодекси туфайли тизимда кўплаб янги қондалар амалиётга жорий этилди. Айтинг-чи, улар солиқ тўловчиларга қай даражада қулайлик яратади?**

олишни назарда тутувчи тартиб жорий этилди. Ваҳолонки, бунгача ҳисобга олиш тенг улушларда кетма-кет келувчи 12 ой давомида ҳамда кўчмас мулк объектлари учун 36 ой давомида амалга ошириларди. Бу тартиб солиқ тўловчиларнинг бетиесини ривожлантириш ва бюрократияни қисқартиришга асос бўлади.

Шунингдек, амалдаги тартибда асоссиз ундирилган солиқ суммасини қайтаришда солиқ органларининг ҳеч қандай жавобгарлиги мавжуд эмасди. Лекин солиқ тўловчилардан кечиктирилган ҳар бир кун учун пеня олинарди. Энди эса асоссиз ундирилган солиқ суммаларининг ҳар бир куни учун солиқ органлари ҳам фоиз тўлайди. Демак, жавобгарлик қучаймоқда.

Корхоналар ўртасида ўзаро молиявий муносабатларга аралашган ҳолда, ҳосил бўлган дебиторлик қарздорлиги мажбурий ундириларди. Энди бу тартибдан воз кечилди. Яъни бир корхонанинг солиқ мажбурияти бошқа бирининг зиммасига тушмайди.

Шу пайтгача солиқларни тўлаш кечиктириш бўйича вақолат алоҳида комиссияга тегишли эди. Лекин ушбу комиссия охириги уч йил давомида бундай ҳуқуқни ҳеч кимга бермаган. Шу боис эндиликда солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти

халқ депутатлари Кенгашларига коллегиял органлар (комиссиялар) иштирокисиз берилди.

Яна бир энг муҳим жиҳат, Давлат солиқ қўмитаси бундан буюғига солиқ тўловчиларни 47 та мезон асосида 3 та сегмент, яъни яшил (виждонли), сариқ (шубҳали) ҳамда қизил (мунтазам ҳуқуқбузар)га ажратган ҳолда фаолият юритади. Бу нима дегани? Яъни яшил текширувларсиз ишончли муносабатларни билдирса, сариқ камерал назорат (масофавий-назорат ёрдам текширувлари), қизил эса солиқ аудити (виждонсиз солиқ тўловчи фаолиятини тўлиқ текшириш)ни англатади.

Ўз навбатида, ҳозиргача Ўзбекистон Республикаси резидентларининг республика ташқарисидagi корхоналаридан оладиган даромадларига солиқ солиш тартиби йўқ эди. Энди Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган солиқ тўловчи томонидан назорат қилинадиган хорижий юридик шахсни назорат қилиш тартиби жорий этилмоқда. Қайд этиш керакки, бундай усул Буюк Британия, Австралия, Франция, Германия, Литва, Норвегия, Испания, Туркия каби давлатларда кенг қўлланилади.

Қолаверса, солиқ органларида солиқ низоларини судгача қўриб чиқиш амалиёти ишламаётганди. Бу эса солиқ тўловчилар томонидан ортиқча суд харажатлари (давлат божлари) сарфланишига сабаб бўларди. Янги кодексда низоли вазиятлар юзга келганида, уларни судгача ҳал қилишни мажбурий ўтказиш белгилан қўйилди.

Айтиб ўтганимиздек, бу йилдан бошлаб тизимда қўлланиладиган қондалар бисёр. Унинг ижросини тўлиқ таъминлаш эса кўп жиҳатдан кодекснинг мазмун-моҳиятини батафсил тушуниб олишга боғлиқ. Бу жиҳат Президентимиз томонидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам алоҳида инобатга олиниб, жойларда вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимлари бошчилигида иқтисодий комплекс идоралари ходимлари ҳамда тадбиркорларни ўқитиш зарурлиги таъкидлангани, турли семинар ва тадбирлар орқали кенг жамоатчиликка етказиш белгилан берилгани бежиз эмас. Айни пайтда биз бу борада амалий ҳаракатларга жиддий қиришганимиз.

Янги кодексда солиқ органлари ходимлари зиммасига ҳам муайян вазифалар юклатилган. Шулардан келиб чиқиб, ўз олдимизга қўйилганни солиқ тўловчилар ўз мажбуриятларини бажаришлари ҳамда манфаатдорликлари таъминлашида амалий ёрдам берувчи органга, илиқлик ва дўстона кайфиятни ҳис этишга кўмаклашувчи қулай сервис марказига айлантиришни асосий мақсад қилиб олганмиз.

Муҳтасар айтганда, давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони мамлакатимиз иқтисодиётида янги даврни бошлаб берган бўлса, унинг ижроси юзасидан қўрилган чора-тадбирлар, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ушбу ишларнинг мантқиқий давоми сиёсатида катта имкониятларни юзга чиқармоқда. Бу эса аҳоли ва ишбилармонларга, хорижий инвесторларга катта қулайлик бериши билан аҳамиятлидир.

— **Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!**

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ
(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАҒСИЛОТЛАР



Ишлаб чиқариш қуввати 3 миллион тонна

Хўжабод туманида йиллик қуввати 3 миллион тоннага тенг бўлган цемент ишлаб чиқариш заводининг қурилиши бошланди.

Мазкур лойиҳага “Rash-milk” масъулияти чекланган жамияти томонидан хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда асос солинди.

110 миллион АҚШ долларига тенг қийматдаги лойиҳанинг дастлабки босқичини шу йилнинг декабрь ойида ишга тушириш режалаштирилган.

Натижада 800 кишининг бандлиги таъминланади. Корхона 2022 йилдан тўла қувват билан фаолият бошлайди.

Корхона худудида ишчилар шаҳарчаси ҳам барпо этилади.

Саминжон ХУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

Хитойлик тадбиркор неға «Наманган» эркин иқтисодий зонасини танлади?



Ўтган йили “Наманган” эркин иқтисодий зонасида 513 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция қиритилиб, 14 та лойиҳа амалга оширилган эди.

Янги йил бошида бу ерда яна бир йирик лойиҳа ижросига қиришилди. Эркин иқтисодий зонанинг Тўрақўрғон туманидаги худудидан жой олган “Hengbang Central Asia” хорижий корхонаси пахтани қайта ишлаш ва тўқимачилик йўналишига иқтисослаштирилган. Унга хитойлик таъсисчи 30 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоа киритмоқда. Корхо-

на фаолият бошлағач, 1200 киши иш билан таъминланади.

— “Наманган” эркин иқтисодий зонасидаги қулай ишлаб чиқариш инфратузилмаси бизнинг эътиборимизни тортди, — дейди таъсисчи Питер Ли. — Шу боис бизнес юритишга қарор қилдик.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

Мақтаб жамоаси 100 миллион сўм билан тақдирланди

Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббуснинг бири аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китобхонлиқни кенг тарғиб этишга қаратилган.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги ушбу ташаббусни ҳаётга татбиқ этиш, ҳар бир оила ва маҳаллаларда, умумтаълим мактабларида китобхонлиқни омма-лаштириш мақсадида қатор кўрик-танловлар ўтказиш тақдирини билдирган эди. Ана шундан келиб чиқиб, вилоятда “Энг яхши китобхон мактаб” кўрик-танлови ўтказилди.

Вилоят ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси, Аxbорот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ташаббуси билан ташкил этилган мазкур танлов дастлаб туман ва шаҳарлар миқёсида ўтказилди. Унда голибликка эришган

16 та жамоа асосий соврин учун баҳс олиб борди.

Қизғин беллашувларга бой кечган танлов якунида Каттакўрғон туманидаги 1-умумтаълим мактаби биринчи ўринни кўлга киритди. Мазкур мактаб жамоаси 100 миллион сўм миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланди. Иккинчи погонани банд этган Пахтачи туманидаги 24-умумтаълим мактаби жамоаси компьютер жамламаси, учинчи ўринга сазовор бўлган Иштихон туманидаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабига ноутбук тақдим этилди.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

ЯНГИ ЗАВОД ВОДОРОД ПЕРОКСИДИ ИМПОРТИГА БАҒҲАМ БЕРАДИ

Энергетика вазирлиги ва “Uzbekistan Hydrogen Peroxide” МЧЖ ҚҚ томонидан водород пероксида ишлаб чиқаришга мўлжалланган заводни қуриш бўйича янги лойиҳага старт берилди.

Изланиш

Замонавий заводда йилга 50 минг тонна юқори сифатли, ҳам ички, ҳам ташқи бозорларда талаб катта бўлган маҳсулот тайёрланади.

Лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши республикамизда тўлиқ водород пероксида импортининг ўрнини босишга, маҳсулотнинг бир қисmini МДХ мамлакатларига ҳамда узок хориж давлатларига экспорт қилиш-

га, шунингдек, қўшимча иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

Лойиҳага сарфланган инвестицияларнинг умумий ҳажми 40 миллион АҚШ долларини ташкил этади ва у икки босқичда амалга оширилади.

Завод “Навоий” ЭИЗ худудида қурилади ва 2021 йилнинг баҳорида ишга туширилиши режалаштирилган.

«Халқ сўзи».

ЭЪЛОН

«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти янги тарифларни амалга киритмоқда

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг келишувига асосан, 2020 йил 1 февралдан бошлаб почта алоқасининг универсал хизматларига янги тарифлар жорий этилмоқда.

20 граммгача бўлган почта жўнатмаларини Ўзбекистон Республикаси худуди ичида жўнатиш учун қуйдаги тарифлар белгиланган:

1. Оддий хат-хабарлар — 1 600 сўм.
2. Буюртмали хат-хабарлар — 3 200 сўм.
3. Оддий бандероль — 1 600 сўм.
4. Оддий майда пакет (100 граммгача) — 1 900 сўм.

Почта алоқаси тарифлари ва хизматларининг тўлиқ рўйхати барча почта алоқаси корхоналари ҳамда бўлимларида ва www.pochta.uz сайтида мавжуд.

Почта хизматларидан фойдаланинг!

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 60 552 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ёълонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган кўлаёмалар тақриз қилинмайди ва муаллафга қайтариламайди.
Газетанинг сўлазиб берилиши учун оубунали расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Соликов. Мусаҳҳих — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.50 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6